

# БОЛАЛАРНИНГ СЕВИМЛИ АДИБИ

Одатда болалар севимли адибларининг ўзларидан кўра асарларини, қаҳрамонларини яхши билишади. Улар билан истаган пайтларида китоб саҳифалари орқали дийдор кўришишлари, ўзларини ёқтирган қаҳрамон саргузаштларига шерик бўлишлари мумкин. Шунинг учун бўлса керак, таниқли ёзувчининг ўзи билан учрашув ўқувчилар ҳаётида байрамга айланиб кетади.

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 196-мактабда ана шундай тантана — Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан учрашув бўлиб ўтди.

Мактаб педагогик жамоаси аъзолари ёзувчини муборак ёши билан қизғин табриклашди. Ўқувчилар адиб китоблари асосида ўзлари саҳналаштирган кўринишларни намойиш этдилар. Айниқса, Рамзиддин Носиров раҳбарлик қилаётган 8-«Г» синф ўқувчилари А. Эргашев, К. Кўчқорова, Ф. Зокиров, М. Низомова намойиш этган саҳналар кўпчиликка манзур бўлди. Дарвоқе, бўлажак учрашувга ўқувчилар қизғин тайёргарлик кўришди. Ёзувчининг бир-биридан қизиқарли, таъсирчан китобларини, мақолаларини ўқиб ўрганишди. Шунинг учун ҳам бугунги учрашувда ёзувчини турли-туман саволларга кўмиб ташлашди. Яқинда Туркия сафаридан қайтган Худойберди Тўхтабоев турк ўқувчилари ҳаёти, у ердаги мактаб-маориф хусусидаги тассуротларини ҳикоя қилиб берди.

Учрашув сўнгида адиб ўқувчиларга ўз дастхати билан китоблар совға қилди. Учрашув қатнашчилари таниқли ёзувчига узоқ умр тилаб, янги-янги ижодий муваффақиятлар тилаб қолишди.

**С. ҲАСАНОВА.**
У. Қўшвоқов суратлари.



# САНЪАТ КЎРИГИ

Яқинда Олмаота шаҳрида Марказий Осиё мамлакатлари ва Озарбайжон республикаси ёш мусиқа ижрочиларининг торли созлар бўйича халқаро танлови бўлиб ўтди.

Қозоғистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ташаббуси билан уюштирилган мазкур санъат кўригида ўзбекистонлик ёш мусиқачилар ҳам ўз ижод намуналари билан қатнашиб юқори баҳоларга сазовор бўлишди. Мазкур танловда Маданият ишлари вазирлиги тасарруфида бўлган мусиқа ва санъат билим юртлари, мусиқа ва санъат мактаб-интернатларида билим олаётган санъат шайдолари ўз истеъдодларини ёрқин намойиш этдилар.

Танловда ҳамюртимиз Максим Величкин велончел мусиқа асбобида ижро этган мусиқаси учун биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Контрабас мусиқа асбоби бўйича ҳам республикамиздаги махсус мактабда таълим олаётган Юсубхон Сайдалиев биринчи ўринга сазовор бўлди. Скрипка мусиқа асбоби бўйича ижро этилган мусиқаларда Лоблен Черномер иккинчи ўринни олишга муваффақ бўлди.

Шунингдек, Элмира Муракева велончел мусиқа асбобидаги ижроси учун, Дина Фатхуллаева эса скрипкада чалган мусиқаси учун, Ойдин Абдуллаева эса велончелда ижро этган мусиқалари учун халқаро танловнинг махсус дипломларини олишга муваффақ бўлдилар.

Айниқса, В. А. Успенский номидаги махсус мусиқа мактаб-интернатининг ўқувчиси Даниэл Холиқов ҳакамлар ҳайъати томонидан энг иқтидорли мусиқачи сифатида тан олинди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги айни кунларда кўплаб кўрик-танловлар, фестиваллар, санъат байрамлари уюштириб, ёш талантларни халққа танитишдай хайрли ишларни амалга оширмоқдалар. Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг ижодкор ёшларга эътиборни кучайтириш тўғрисидаги кўрсатмалари асосида иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш, маҳоратларини кенг миқёсда намоён этишда яқиндан кўмаклашиш борасида катта ишларни амалга оширмоқдалар.

Яқинда Маданият ишлари вазирлиги тасарруфидаги мусиқа ва санъат ўрта махсус билим юртларининг мусиқа ижрочилиги бўйича анъанавий XII Республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Мазкур танлов республикамизда ҳақиқий санъат байрамига айланиб кетди. Тошкентдаги В. А. Успенский номли махсус мусиқа мактаб-интернатида торли созлар, Самарқанд давлат билим юртида пианиночилар, Қарши давлат санъат билим юртида пуфлама созлар, Андижон давлат санъат билим юртида эса халқ чолғу асбоблари бўйича ўтказилган танловларда кўплаб ёш мусиқачилар ўз маҳоратларини намойиш этиб, томошабинларнинг олқишларига сазовор бўлдилар. Танловларда ўз маҳоратларини намойиш эта олган ёш мусиқачиларга махсус дипломлар, эсдалик совғалари ҳамда қимматбаҳо мукофотлар топширилди.

**С. СИРОЖИДДИНОВ.**

## *НОДИРА ТАВАЛЛУДИНИНГ 200 ЙИЛЛИГИ*

# МОҲЛАРОЙИМ МАҲОРАТИ

Шарқ шеършунослигида, шоирнинг истеъдоди, камолот даражаси, маҳорат миқёсларига баҳо берганда, одатда, унинг девон яратган, яратмаганлигига асосланиб иш тутишган. Чунки шоирлар асарлари миқдори девон тартиб этишга етиб ортган, шеър ёзиш маҳорати, малакаси етилган, бадиий услуби сайқал топган даврдагина девон яратишга журъат этганлар. Бундай етук шоирларни «соҳиби девон» ибораси билан сифатлашган. Моҳларойим Нодира — соҳиби девон шоира эди. Нодиранинг зуллисонайнлик фазилати ҳам унинг бадиий маҳоратидан далолат беради. Икки тил эгаси бўлиш тил билишнигина эмас, балки икки халқ маданиятини ўзлаштирганликни ҳам англатади. Ўз туйғу-кечинмалари, ўй-фикрларини икки тилда бадиий тасвирлаш зуллисонайнлик маҳоратини тақозо этади. Нодира шундай маҳоратли шоира эди ва буни шоиранинг ўз фахрияси тасдиқлайди:

**Бўлубдур Нодира мумтози маъни,**

**Каломи равшану ашъори фаррух.**

Чиндан ҳам, Нодира маъни мумтози, сўзи равшан, шеъри нурафшон сўз санъаткори эди.

Нодира — бадиият илмидаги санъатларни мукаммал ўрганган ва шеъриятига табиий татбиқ эта олган шоира. У бадиий усул имкониятларидан фойдаланиб ақлни ҳайратга солувчи манзаралар ижод қилган. Айниқса, муболаға санъатини гўзал маъноларниувратлантиришга сафарбар этган.

**Ғамимни шарҳини юз мингидан бирини дедим,**

**Фалак ани кўтарурда хам айлади қомат.**

Шоира қисматига тушган ғам юки шу қадар оғирки, унинг юз мингдан бир улуши изҳор этилганида, фалак кўтаролмай, қадди букилиб қолган экан. Бундай муболаға вужудга келишига осмоннинг эгилган ҳолатдаги кўриниши асос берган. Ердаги оҳнинг кўккача етиб бориши-чи? Бу ҳам муболаға мўъжизаси, албатта.

**Оҳим ўқиға қадим камондур,**

**Бу ўқни нишонидур Сурайё.**

Ушбу байт замиридаги ташбеҳ — нақадар хаёлий қудрат маҳсули! Тасаввур қиласизми, шоиранинг оҳлари коинотни ўртайдиган оҳлардир. Бу оҳлар ғам-алам ашёларидан таркиб топган шоира қадди камонидан фалакка отилган оташин ўқлардир. Бу ўқлар Сурайё сайёрасини мўлжалга олади ва бехато уради. Ғам юкларидан эгилган қомат ва изтиробларга тўлган қалбни бундан-да тиниқ, аниқ, гўзал тасвирлаш мумкинми? Ғам юки оғирлигидан алифдек қомат ёйсимон шаклга киради, ёйдек эгилган қад камонидан фалакка ғам ўқлари отилади, оламдан ошган оҳларнинг мингдан бир улушини кўтаролмай фалакнинг қадди камондек эгилади!

**Юзинг ойини ҳайратидин эрур бадри тобон қаро доғлиқ,**
**Қошинг «нун»идин воқиф эрдики,**
**ожизлик ўлди ҳилола пайдо.**

Манзур юзининг мусаффолигидан ҳасадда осмондаги ойнинг бағри доғли. Бошқача айтганда, маъшуқа ҳусни осмондаги ойни-да, доғда қолдирган. Манзурнинг қоши араб имлосидаги «нун» ҳарфидек нозик ва жозиб. Бунчалар назокатдан хабар топган ҳилол — янги ой гўзаллик даъвосига ожиз қолди. Бунда муқояса жуда шартли, албатта. Мақсад чиндан-да бадри тобоннинг кўркамлигини, ҳилолнинг нозиклигини камситиш ёҳуд уларнинг юксаклгини рад этиш эмас. Аксинча, адабий муддао маҳбубани шу сифатлар соҳиби сифатида васф этишдир.

Юқоридаги байтда қошнинг муболағали тасвири мужассам бўлса, эндиги байтларда қошнинг чеҳрадаги жойлашиш ўрнига ишора қилиб пандомуз фикр ифодалаш, қошларнинг ўзаро пайваста ҳаракатини далил келтириб лирик қаҳрамон қисматини асослаш жуда мароқли:

**Адаб элни баландиқбол айлар,**

**Тавозуъдин эрур кўз устида қош...**

**Бўлур хам икки қошинг бир-бириға,**

**Қилурлар қатлима пайваста кенгош...**

Эгик ҳолатдаги қошнинг кўз устида туриши инсоний одоб, таъзим-тавозе маданияти хосиятини кўрсатишга, ушбу фазилат одамнинг мавқе-мартабаси иқболини юқори кўтариши ҳақидаги фикр ифодасига асос қилиб келтирилган. Бу мумтоз бадиият илмидаги чиройли асослаш — ҳусни таълил санъатининг ёрқин намунасидир. Шунингдек, икки қошнинг бир-бирига бош қўшиб, лирик қаҳрамон қатли тўғрисида маслаҳатлашиши, ҳукм чиқаришдек жонлантирилган манзара ҳам бадиий тасвирдаги санъатпардозлик самарасидир.

Нодира шеъриятида ўзбек аёлининг ички туйғулари, ҳаётий қарашлари, миллий маданияти ва ахлоқ-одоби, дарду ҳасратлари умумлашма ифодасини топган. Унда фақат аёлгагина хос тасвир услуби ҳамда воситаларини кузатиш мумкин.

**Бесутун тоғида кўп жон чекмағил, эй Кўҳкан,**

**Кўкрагимдин жўйи шир ўрниға ўтлуғ ёра оч.**

Лирик қаҳрамон Кўҳкан, яъни афсонавий тоғқазар Фарҳодга нидо этмоқдаки, «Сут ариғи очаман, деб Бесутун тоғида кўп жон чекавермагин, яхшиси, сут ариғи чиқариш учун менинг ситамдийда кўксимни чок этақол, шунда қалб ўртанишларимдан сут ариғи эмас, ўтли жароҳат пайдо бўлганини кўрасан!». Бу, аслида, мазмун залвори билан ожиза, заифу нотавон аёлнинг эмас, балки, девонавор, забардаст бир паҳлавоннинг оламни ўртовчи ва ларзага солувчи наърасига монанд! Лекин «кўкракдан сут ариғи очиш» иборасини фақат меҳр сути билан фарзанд ўстирган аёлгина бадиий ифода ўрнида қўллаши мумкин.

Албатта, Нодира шеърларидан Лутфий ёки Машраб маҳоратини талаб этиш ноўрин. Лекин Нодиранинг мазкур байтлари Лутфий ва Машрабнинг қуйидаги байтлари билан ҳамоҳанглик, ҳамдардликда баҳслаша олади. Лутфий ёзади:

**Ҳижрон кечаси чархи фалакка етар, эй моҳ,**
**Оҳи саҳарим, хоҳи инон, хоҳи инонма.**

Лутфий ғазалига тазмин боғлаган Машраб сўзини устоздан-да ўздиради:

**Ғам шоми фироқингда кабоб этти фалакни**
**Оҳи саҳарим, хоҳи инон, хоҳи инонма.**

Нодира ижодида Турдидек исёнкор шоирлар билан ҳам ҳамовозлик яққол янграйди. Турди «Жойи осойиш эмас, ҳеч кима бу кўҳна равоқ» дея дунё ва дунёпарастликни инкор этса, Нодира:

**Жаҳон, эй Нодира, эл мақталидур,**
**Эмастур жойи осойиш бу маслаҳ,**

дея ҳасрат чекади.

Муболағага муқобил санъатлардан бири кичрайтириш бўлиб, унинг Нодира девонида қўлланиш маҳорати ҳам шеърхон идрокини сеҳрлайди:

**Белининг борлиғин қилди камарбанди аён,**
**Оғзи йўқ эрди, ани қилди падидор ҳадис.**

Маълумки, Шарқда белнинг ингичкалиги, оғизнинг торлиги ташқи гўзаллик белгиларидандир. Мақсад инсондаги мана шу назокатни тасвирлаш. Нодира ғазалидаги манзурнинг бели кўз илғамас даражада нозик эканки, уни камарбанди, яъни туркона айтганда, белбоғи сездириб қўйибди. Оғиз йўқ даражада пинҳон эмишким, борлиғини сўзлаган сўзлари ошкор этибди.

Нодира шеърларини қуюқ фалсафий фикрлар билан йўғиришга ҳаракат қиларкан, бадииятдаги назмий кўпмаънолиликни юзага чиқарувчи санъатларни ишга солади. Жумладан, тажнис — яъни, бир жинс ё шаклдаги сўзларни бир неча маънони ифодалашга бўйсундириш усулини эркин қўллайди:

**Ёр улдурким — сенга ғам кунларида бўлса ёр,**
**Улки меҳнат кунларида ёр эмасдур, ёр эмас.**

Иккинчи мисрада такрорланиб келган «ёр эмас»ларнинг бири замирида «ярамас» — ҳамдард, ҳамнафас эмас маъноси яширинганини англаш қийин эмас.

**Бу кўздин, Комила, кўп ёш тўкарсен**
**Ки, бергай тангри бир ёшингга юз ёш.**

Ушбу байтдаги «Комила» ва «ёш» сўзларида шоира тажнис қўллай олган. «Комила» сўзи биринчи навбатда тахаллус маъносини, «ёш» эса кўзёшни англатади. Иккинчидан, «Комила» аслиятда айнан, жорий ёзувда кичик ҳарф билан ажратиб ёзилса, «ком ила» — «умид билан», «мақсад билан» маъноларини ҳам ифодалайди. «Ёш» эса умрнинг йиллик босқичларини ҳам билдиради. Демак, байтдан «Эй Комила, Ҳақнинг дийдори орзуси билан кўп кўзёш тўкасан, илоҳи ниятингга етгин, Тангри бир томчи кўзёшинг эвазига юз йил умр қўшиб берсин», деган мазмун англашилади.

Нодира илоҳий ҳусн тасвирида қўллаган тасвирий воситалар, бадиий далил ва ашёлар ҳаётий, табиий асосга эга:

Шоиралар шеъриятида нафақат туйғу-кечинмалар ифодаси, балки бадиий рамзу тимсоллар тизимида ҳам аёлларгагина хосликни кўриш мумкин. Масалан, Нодира ғазалларида «машшота» ва «шона» тимсоллари кўп учрайди. Улар аёл турмуш маданиятига хос бўлиб, «машшота» — қиз ва келинларнинг сочларини тараб, оро берувчи, безантирувчи, пардозчи: «шона» — тароқ демакдир.

**Ул зулфи диловезини ишколини очмай,**
**Беҳуда надин тил тузатиб шона қилур баҳс.**

«Илоҳий маҳбуб сочининг ҳар бир жингалак ҳалқаларига маҳкам ўрнашган (осилган, ўлжа тушган, асир бўлган) ошиқ кўнгиллар ишкалини (чигал қисматини ечмай, озод этмай) бартараф этолмай туриб, тароқ нима учун «тил тузатиб» баҳс этиб юрибди?». Мана, тароқ тимсоли қандай фикр ифодасига имкон берган. Бошқа бир ғазалда тароқнинг мушкулкушолик хусусияти эътироф этилиб, машшотага «дашном» берилади:

**Сирри зулфи гириҳин очмоқ эмасдур осон,**
**Бесабаб айлама, машшота, бугун шонага баҳс.**

Шоира рамзий талқинича, манзур сочи тугунларини очмоқ мушкул, унинг кушойишкори фақат тароқ, машшота пардозга ҳар қанча уста бўлмасин, бу борада тароқ билан баҳслари беҳуда. Соч тугунларини тароқ тарқатиши Нодира назмийлаштирган ҳаётий ашёдир.

**Ул зулфи табдор ҳавосида дам-бадам**
**Машшота иштиёқи била шона қилур рақс.**

Нодира нигоҳича, маҳоратли машшота қўлидаги тароқ рақсга тушади. Манзара жонли ва ҳаётий: маҳбубанинг бурама сочлари пардозчининг иштиёқли ҳаракатларидан ҳаволаниб силкинади. Силкинишлар суръатида ҳаракатланиб, тароқ ҳам рақсга тушади.

Мумтоз назмимиз бадииятида сарв ва шамшод дарахтлари гўзал қадду қомат тимсолига айланиб кетган. Аммо, Нодира назмида улар рақобатга киришади:

**Ул сарвки, бордур ани мавзун қади озод,**
**Машшота учун шона чекар зулфига шамшод.**

Сарвнинг озод, тик, тўғри қаддига асир бўлган шамшод машшота ўрнида унинг сочларига тароқ уради. Сарв гўзал инсон тимсоли эканлигидан келиб чиқсак, Нодира тароқ шамшод дарахтидан ясалишини ҳам назарда тутганини тушунамиз.

Шоиралар шеъриятининг шоирлар назмидан фарқи, ўзгача хосияти ихлосмандларни жуда қизиқтирадиган муаммо. Ушбу муаммо калити бадиий маҳоратни тадқиқ этиш йўли билан қўлга киритилади. Дастлабки уринишданоқ маълум бўлаётирки, Нодира етук маҳорат соҳибаси ва унинг назмида аёлларга хос фикр-мушоҳада услуби, рамзу тимсоллар тизими мужассам экан.

**Нусратулло ЖУМАХЎЖА,**
**Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт институтининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди.**

# ШОИР ВАТАННИ, ВАТАН ЭСА ШОИРНИ УЛУҒЛАЙДИ

Ҳар бир ижодкорнинг адабиётдаги ўзига хос ўрнини белгилайдиган минглаб нуқталар бўлади. Шу нуқталардан бири унинг ўзи туғилиб ўсган масканга боғлиқлиги, юртга нисбатан меҳр-муҳаббатининг асарларидаги ифодасидир. Шу маънода Омон Матжон ижоди ҳақида сўз борганда, шоир Матназар Абдулҳакимнинг у ҳақдаги фикри эсга тушади: «Омон Матжон ижодининг хоразмликлар учун, Хоразм адабий муҳити учун алоҳида аҳамияти бор. Ҳар бир улкан шоир шеърият осмонига ўз Ватанидан парвоз қилибгина қолмасдан, бу осмонга Ватанини ҳам парвоз қилдиради!»..

Ҳақ гап! Омон Матжон шеърият осмонига ўзи билан бирга юртини ҳам парвоз қилдира олган шоир. Шунинг учун ҳам унинг 50 ёшлик тўйи воҳадан бошланиб, юртдошларининг баҳор байрамлари тантаналарига қўшилиб кетгани бежиз эмас.

Шоирнинг тўйи 31 март куни Огаҳий номидаги вилоят театри биносида шеърият ва қўшиқ кечаси билан бошланди. Кечани Омон Матжон юбилейини ўтказиш комиссиясининг раиси, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов кириш сўзи билан очди ва бошқариб борди.

— Омон Матжон билан адабиётга 60-йилларда олдинма-кейин кириб келганмиз, — деди у. — Эндиликда у ўзининг 30 йилдан ошиқ ижодий меҳнати давомида ўнлаб юксак савиядаги асарлари, китоблари билан адабиётимизни бойитди. Айни пайтда, у ижтимоий фаолияти билан халқ орасида танилди. Шоирга берилган унвонлар ва мукофотлар ана шундан дарак беради. Эндиликда, унга адабиётдаги ҳалол хизматлари учун юксак унвон берилди — халқ шоири бўлди. Бу ҳурматли Президентимизнинг, халқимизнинг катта эҳтиромидир. Мен шоир дўстимни шу қутлуғ аснода кўнглимда туғилган тўрт мисра шеър билан қутлагим келди:

Дунёнинг тўртала томони бордир,
Инсоннинг яхши-ёмони бордир.
Фахр этса арзийди Ўзбекистоним,
Аллома шоири Омони бордир.

Тўй оқшомида шоирни вилоят ҳокими Маркс Жуманиёзов хоразмликлар номидан қутлади. О. Матжоннинг Хоразмда боғлар барпо этиш, кутубхоналар ташкил қилиш, маданият даргоҳларига яқиндан ёрдам беришдек ишларнинг бошида турганлигини таъкидлади. Ҳоким шоир шеърларидан намуналарни ёддан ўқиб берганида залли гулдурос қарсаклар тутди.

— Биз Хоразмни шу пайтгача алломалар, санъаткорлар, шоирлар юрти сифатида яхши билардик. Ҳақиқатан, бу юртда ҳар бир одам аллома, шоир, санъаткор экан. Буни ушбу тўй анжумани ҳам исботлаб турибди. Ҳокимидан тортиб деҳқонигача шоир бўлган юртда устивор, ҳаммага маъқул шоир бўлмоқ қийин. Омон Матжон эса бу элда нафақат ҳаммага маъқул шоир бўлди, балки воҳадан чиққан биринчи халқ шоири бўлди, — деди сўзга чиққан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад. — Шунинг учун унинг тўйи адабиётнинг, халқнинг тўйидир.

Шундан кейин Хоразм давлат дорилфунуни профессори, филология фанлари доктори Ҳамдам Абдуллаев шоир ижоди хусусида маъруза қилди. Юбилярни ёзувчи Ўткир Ҳошимов, санъаткор Ёқуб Аҳмедов, шоирлар Комил Аваз, Эркин Мадраҳимов, «Туркистон» рўзномаси муҳаррири Жаббор Раззоқов, ХДП Хоразм вилоят қўмитасининг биринчи котиби Ғайрат Машарипов, Урганч шаҳар ҳокими Рустам Султонов, Гурлан ва Янгибозор туманлари ҳокимлари Амин Вафоев, Марат Юсупов, «Боғолон» жамоа хўжалиги раиси Ваис Оллоберганов ва бошқалар қутладилар. Бундан сўнг қутловларни санъаткорлар давом эттирдилар. Раҳматжон Қурбонов ва Аҳмаджон Шукуров раҳбарлигидаги «Лазги» ҳамда «Зарафшон» ансамбллари артистлари, хонанда Каримбой Раҳмонов, вилоят театри санъаткорлари шоир шеърлари билан айтиладиган қўшиқлардан куйладилар.

Кечада шоир йиғилганларга миннатдорчилик билдириб, янги шеърларидан ўқиб берди.

Эртаси кун тантаналар шоир туғилиб ўсган Боғолон қишлоғида давом этди. Меҳмонлар қишлоқда Омон Матжон ҳамкорлигида бунёд этилган «Ёшлик» ва «Боғолон» боғларида бўлдилар, кўчатлар ўтқаздилар. Жамоа хўжалигида ташкил этилган шоир кутубхонасини бориб кўрдилар. Мушоира, суҳбат, қўшиқ бир пиёла чой устида давом этди.

Омон Матжон ижодига бағишланган учрашувлар вилоятнинг бошқа туманларида ҳам бўлиб ўтди. Айни пайтда шоир тўйи вилоят матбуотида кенг ёритилди. «Хоразм ҳақиқати» газетаси ўзининг қўш саҳифасини шоирнинг ярим асрлик тўйига бағишлади. Вилоят радиоси ва телевидениеси эшиттиришлар, суҳбатлар уюштирди.

Шоир қатраларидан бирида «Хоразмда тоғлар йўқ эмас, бор. Улар воҳани тонгда қуёш нуридан тўсиб қўймаслик учун одамлар қиёфасида яшашади!

— Хоразмий, Беруний, Паҳлавон Маҳмуд, Огаҳий, Ҳожихон...» деб ёзган эди. Бугун ярим асрлик тўйини нишонлаган шоир ўзининг буюк салафлари қаторидан жой олган бўлса, не ажаб!

Шоир тўйи Хоразмда бошланди, энди у бошқа жойларда ҳам давом этади.

**Қ. МАТЕҚУБОВ.**



*Ҳамкасбларимиз ҳаётидан*

# ВАТАНГА ЭҲТИРОМ

«Ўзбекистон — Ватаним менинг». 75 йиллик тўйига қизғин ҳозирлик кўраётган «Ўзбекистон овози» газетасининг 21 апрелдаги сони ана шу шиор остида чиқди.

Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон диёрига, ўз Ватанига меҳр-муҳаббат, меҳнатсеварлик, билимга, устозларга, маърифатпарварларга нисбатан алоҳида ҳурмат-эҳтиром — Ўзбекистон аҳолисига хос фазилатлардир», деган она тупроқ ва унинг заҳматкаш халқига нисбатан эҳтиромга тўлиқ фикрларини бошсўз қилиб келтирган. Шу билан бирга газета Ватан мавзуси, Ўзбекистон истиқлоли ёшу қари, каттаю кичикни боғлаб турган муқаддас тушунча эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Ана шу мавзу жумҳуриятимизнинг турли жойларида яшаётган мактаб ўқувчиларининг «Мамлакат Президентига мактублар» рукни остида чоп этилган самимий, келажакка ёруғ назар билан битилган хатларида ҳам ёрқин акс этган.

Ички қўш саҳифада эълон қилинган ранг-баранг мақолаларда эса Ватанга муҳаббат туйғуси турмушнинг ўзидан олинган, кундалик, ҳаётий мисолларда, турли йилларни акс эттирган суратларда ифодаланган. «Маҳалла — Ватан ичра Ватан» рукни остида берилган сурат-лавҳалар «Ватан остонадан бошланади», деган халқ ҳикматини ёдга солади.

Ватан ҳақида шеър битмаган шоир йўқ, шеърда тараннум этилмаган Ватан йўқ. Аммо Ватанга чин муҳаббат туйғуси оддий ўзбек боласининг қалбига ҳам шеър завқини, фахр ва ғурур туйғусини солади. Газета ўзининг тўртинчи саҳифасини мамлакатимизнинг турли вилоятларида яшаб ижод қилаётган, номлари ҳали кўпчиликка унчалик маълум бўлмаган қаламкашлар ижодига бағишлаган. «Ўзбекистон овози»нинг мазкур сони шу жиҳати билан эътиборга сазоворки, унда Ватан тушунчаси ҳаётий мазмун касб қилган, мустақил Ўзбекистон дарду ташвишлари билан яшаётган бугунги кун одамларининг юрак тафти, қалб ҳарорати, орзу интилишлари ифода этилган.